

**Самарқанд давлат университетида 2021 йилда ўтказилиши
режалаштирилаётган илмий ва илмий-техник анжуман
АСОСНОМАСИ**

1. Анжуманнинг мавзуси: XXI аср ўзбек услубшунослигининг долзарб масалалари.

2. Анжуман мақоми: Республика илмий-назарий анжумани.

3. Илмий ва илмий техник анжуманни ўтказиш учун асос бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари ёки бошқа манбалар. Мазкур анжуман Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сонли Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5850-сонли Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 декабрдаги 984-сон Қарори билан «Давлат тилини ривожлантириш департаменти тўғрисида»ги Низомлари асосида ўтказилади. Анжуман доирасида ўзбек тили услубшунослиги масалалари вазифалари муҳокама этилади. (ўзбек тили услубшунослигида эришилган ютуқлар, унинг бугунги ҳолати ва келгусидаги)

4. Анжуманнинг илмий йўналиши, мақсад ва вазифалари: анжуманда муҳокама этиладиган маърузаларнинг илмий йўналишлари ўзбек тили услубшунослигида эришилган ютуқлар, унинг бугунги ҳолати ва келгусидаги долзарб вазифаларини таҳлил қилиш билан боғлиқ. Бунда ўзбек тили вазифавий услубшунослигида эришилган натижалар, унинг бугунги ижтимоий ҳаётда тутган ўрни ва қўлланилиш даражаси каби масалаларни аниқлаштириш, улардан келиб чиққан ҳолда илмий-амалий фаолият олиб боришга эътибор қаратилади. Натижада услубшунослик ва унинг асосий тармоқлари доирасида кечиктирилмасдан ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар эътиборга олиниб, улар асосида соҳа ривожининг истиқболи белгилаб олинади.

Мақсади ва вазифалари: анжуманнинг асосий мақсади ўзбек услубшунослигида эришилган илмий муваффақиятлар ва тадқиқотларнинг келгусидаги йўналишларини аниқлаб олиш, илмий тадқиқот натижаларини амалиётга ва олий таълимга жорий этиш масалаларини муҳокама этиш.

Анжуманнинг вазифалари қуйидаги соҳалардаги натижаларни муҳокама этиш:

- Ўзбек тили вазифавий услублари.
- Оғзаки ва ёзма нутқи меъёри.
- Нутқ маданияти ва мутолаа санъати.

- Нотиқлик маҳорати.
- Интернет сайтлари ва ижтимоий тармоқлар.
- Масс медиа услуги.

5. Муҳокама қилинадиган муаммолар:

- ўзбек тили вазилавий услугилари масалалари;
- оғзаки ва ёзма нутқи меъёри масалалари;
- нутқ маданияти ва мутолаа санъати масалалари;
- нотиқлик маҳорати масалалари;
- интернет сайтлари ва ижтимоий тармоқлар масалалари;
- Медиа услуги масалалари.

6. Ўтказиладиган анжуманнинг Давлат илмий-техник дастурлари, халқаро илмий ҳамкорлик дастурлари билан боғлиқлиги. Анжуман мавзуси юзасидан СамДУ ўзбек тилшунослиги кафедрасида бажарилаётган бош мавзу ва давлат илмий-техник дастури доирасида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, қуйидаги илмий лойиҳалар бажарилмоқда:

Ўзбек тили луғавий ва грамматик бирликларининг функционал-прагматик ва когнитив-услубий таҳлили масалалари.

ПЗ – 2020042230 «Ветеринария атамаларининг электрон изоҳли луғати ва мобил иловасини яратиш» (илмий раҳбар ф.д. (PhD) С.М.Умирова).

7. Анжуман натижаларидан кутилаётган илмий, ижтимоий ва иқтисодий самарадорлик. Анжуман натижалари анжуман мавзуси бўйича келгусидаги илмий тадқиқотлар йўналишларини аниқлаштириш, вазилавий услугиларнинг истиқболларини белгилаш ҳамда ўзбек тили услубшунослиги йўналишлари бўйича олиб борилаётган тадқиқот натижаларини муайян бир тизим асосида олиб бориш имкониятини яратади.

8. Илмий анжуманда ёш олимлар, мутахассислар, докторантлар ва магистрларнинг иштирок этиши. Анжуманда республикамизнинг етакчи филолог-тилшунослари, профессор-ўқитувчилари, тадқиқотчилари ва магистрантлари ҳамда ўрта ва умумтаълим соҳаларида фаолият олиб бораётган мутахассисларнинг иштироки кўзда тутилган.

9. Хорижий ҳамкорлар билан келишилганлик тўғрисида розилик хатлари. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда илмий тадқиқот институтлари ва таълим муассасалари билан ҳамкорлик ўрнатади.

10. Анжуманни ўтказишда республикада мавжуд соҳа ташкилотларнинг иштироки. Анжуманда Самарқанд давлат университети, ЎЗР ФА қошидаги Тил ва адабиёт институти, Алишер Навоий номидаги Тошкент ўзбек тили ва адабиёти университети, республика олий таълим муассасалари, халқ таълими вазирлиги мутахассислари ва бошқаларнинг иштироки кўзда тутилган.